

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 28.12.2017. Tib.59.01 ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АСАДУЛЛАЕВ НУРУЛЛОХОН САГДУЛЛАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШАЙДИГАН КЕКСА ВА ҚАРИ  
ЁШДАГИ БЕМОРЛАРГА СТОМАТОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ  
АСОСЛАРИ**

**14.00.21- Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Асадуллаев Нуруллохон Сагдуллаевич**

Ўзбекистон Республикасида яшайдиган кекса ва қари ёшдаги  
беморларга стоматологик ёрдам кўрсатиш асослари..... 3

**Асадуллаев Нуруллохон Сагдуллаевич**

Аспекты стоматологической помощи лицам пожилого и  
старческого возраста, проживающих в Республике Узбекистан..... 21

**Asadullaev Nurullakhon Sagdullaevich**

Aspects of dental care to persons of elderly and old  
age living in the Republic of Uzbekistan..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 28.12.2017. Tib.59.01 ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АСАДУЛЛАЕВ НУРУЛЛОХОН САГДУЛЛАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШАЙДИГАН КЕКСА ВА ҚАРИ  
ЁШДАГИ БЕМОРЛАРГА СТОМАТОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ  
АСОСЛАРИ**

**14.00.21- Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib574 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.tsdі.uz](http://www.tsdі.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ризаев Жасур Алимжонович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Аветиков Давид Соломонович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Украина)

**Дўсмухамедов Махмуд Закирович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Токай марказий госпитал (Япония)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси 103 уй, Тел./факс: (99871) 230-20-65; факс: (99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103 уй. Тел.: (99871) 230-20-65.)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.М.Қамилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Л.Э.Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Х.П.Қамилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси (PhD))

**Диссертация мазусининг долзарблиги ва зарурати.** Кекса ва қари ёшдаги инсонларнинг ижтимоий демографик гуруҳи ҳозирги кунда энг кўп ва тез ўсувчи гуруҳлардан ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти стоматологик саломатлик мақсадини қуйидагича белгилади: "...кекса ёшдаги инсонлар ўртасида тишсиз инсонлар 10% дан ортиқ бўлмаслиги керак; уларнинг 75% 20 ва ундан кўп тишга эга бўлиши керак, лекин шунда ҳам чуқур пародонтал чўнтакли секстанталар 0,5 дан кўп бўлмаслиги керак..."<sup>1</sup> Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мустақил ҳамдўстлик давлатлари, ҳамда хорижда кекса ёшдаги аҳолининг стоматологик саломатлиги юқори даражада эмас, уларнинг асосий кўрсаткичлари ушбу вазифалардан узоқ. Ўз тишларини қисман сақлаб қолган кекса инсонларнинг 95–100% пародонт касалликларини даволашга муҳтож. Кекса инсонларнинг ўртача 15 % пародонт тўқимасининг оғир деструкцияси кузатилади. Оғиз қуриши ҳозирги кунда кекса инсонлар орасида кўпгина дори воситалари таъсири, ҳамда организмнинг қариши оқибатида кенг тарқалиб бормоқда (20-57%). Эрта ташҳисланган пародонтитли беморларни 100% мотивациясига, оғиз бўшлиғи гигиенасига эътибор қаратишимизга, мунтазам даволаш ва профилактика тадбирларини ўтказилишига қарамай, текширилувчиларнинг фақатгина 50%да даволаниш ва профилактик чораларни олиб боришга ишонч ва қатийлик ҳосил бўлган. Ушбу аҳоли контингентининг стоматологик саломатлиги катта ёшдаги инсонлар пародонт тўқималари хусусиятларидан келиб чиқиб, мослаштирилган янги даволаш усуллари ва дастурларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Жаҳон миқёсидаги HelpAge International (UK, 2015) ташкилоти вакиллари XXI асрда бутун жаҳон бўйича ҳаёт давомийлиги узайиши билан боғлиқ глобал дермографик ўзгаришлар содир бўлишини тахмин қилмоқдалар ва бунда аҳолининг қариши асосий ўрин тутаяди, қариялар ва кекса ёшдаги инсонлар (60 ва ундан юқори ёшдагилар) ҳозирги кунда 809 миллион (11%) ташкил этса, уларнинг сони 2030 йилга келиб 1,4 миллиардга (16,5 %), 2050 йилга келиб 2,1 млрд. кишигача (21,5 % дунё аҳолисининг) кўпаяди.<sup>2</sup> Ёш катталашган сари рўйхатдан ўтказилаётган стоматологик патологиялар сони ва оғирлик даражаси ортади, организм мослашиш ресурслари пасаяди, бу ўз навбатида оғиз бўшлиғи ҳолатига таъсир этади. Кекса ёшдаги инсолар ва қарияларда касалликларнинг патологик асоси бўлиб, организмнинг анатомик, физиологик, гуморал жараёнларининг ўзгариши, натижада тўқима гипоксияси, микроциркуляциянинг бузилиши ва организмнинг кўпгина гомеостатик тизимларининг ўзгаришига олиб келади.

Мамалакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолини янги ва сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаш бўйича мақсадли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожланиш стратегияси бўйича бешта устувор йўналиш бўйича

<sup>1</sup> World Health Organization. World Oral Health Report 2003. Published 2003. Accessed 15 February, 2018

<sup>2</sup> Global AgeWatch Index, 2015

“... аҳолига ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий муассасалар моддий-техника базасини такомиллаштиришга қаратилган соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...”<sup>3</sup> ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд. Улар орасида катта ёшдаги беморлар ҳаёт сифатини кўтарувчи стоматологик патологияни коррекция қилиш усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатда “...фармацевтик саноатни келгусидаги ривожланиши, аҳоли ва тиббий муассасаларни етарли даражада сифатли дори воситалари ва тиббий маҳсулотлар билан таъминлаш...” аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматларни яхшилаш” аниқлик киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532 сонли “Фармацевтика саноатни ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамсининг 2015 йил 20 апрелдаги №32-сонли “Маҳаллий корхоналарда доривор ўсимликларга асосланган дори воситалари ва биологик актив қўшимчаларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги баённомада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги № ПҚ-2705 сонли Қарорида айtilган “кекса ёшдаги инсонлар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга, уларни даволаш, тизимли соғломлаштириш, профилактик чораларни кучайтириш йўллари орқали тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш” каби ва шу тизимда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиш устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳисоб-китоб натижалари бўйича ўртача олганда 2050 йилга келиб 60 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг улуши Африкада 10%, Осиё ва Океанияда 24%, Қариб денгизи атрофи ва Лотин Америкаси худудида 25%, Шимолий Америкада 27% ва Европада 34%ни ташкил этар экан. Бу маълумотлар шуни кўрсатадики даватлар қанчалик ривожланган бўлса, уларда оғиз бўшлиғи патологияси мавжуд бўлган кекса ёшдаги инсонлар сони шунча ортиб бораверади. Пародонтнинг яллиғланиш белгилари 84,5% ҳолларда аниқланди, уларнинг кўпчилигида пародонтитнинг ўртача оғирлик даражаси аниқланган. Бунда пародонт яллиғланиш оғирлик даражаси эркаклар ва аёлларда бир хил, лекин ёш катталашиб борган сари оғирлашиб бораверади (Mendes D.C., Poswar Fde O. Et al, 2012). Сурункали йирингли пародонтит оғиз бўшлиғи гигиенаси пастилиги билан характерланади (Ушницкий И.Д., 2013). Пародонтнинг яллиғланиши ЛПО нинг кучайиши ва

---

<sup>3</sup> ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”

АОТ нинг пасайиши фонида ривожланади (Pinelis YI , Malezhik MS, 2017). Ксеростомия ва гипосаливациянинг ривожланиши, соматик касалликлар пародонт тўқимаси яллиғланиш жараёнини тезлаштиради, оғиз бўшлиғи гигиенасини пасайтиради (Watanabe M., Nakatani E., 2017).

Стоматологик патология кекса ёшдаги инсонларнинг 100%да учраб, полиморбид соматик патология сабабли оғиз бўшлиғи трофикасининг бузилиши асосида ривожланади. Организмнинг қариши ва тиш жағ тизимининг дезадаптацияси ўртасида боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида амалиётчи стоматологларда шубха йўқ. Оғиз бўшлиғидаги ўзгаришларни геронтостоматология томонидан ўрганишга бир қанча тадқиқотлар бағишланган (Акбаров А.Н., 2017;). Уларда организм қариши билан оғиз бўшлиғи аъзолари ва тўқималари холатининг клиник ва физиологик ўзгариш белгилари ва кўрсаткичлари келтирилган. Масалан катта ёшдаги аёллар суяк тизимини ўрганилганда, муаллифлар томонидан остеопароз аниқланган, шу билан бирга пародонтда ҳам (Камилов Х.П., Хасанова Л.Э., Мелькумян Т.В., 2015). Стоматологик ёрдамни ташкил этиш принциплари ва даволаш усуллари ишлаб чиқилган.

Хозирги вақтда катта ёшдаги беморларда касалликларни даволаш қийин кечмоқда, касалликнинг қайталаниши ва жараённинг ривожланиб кетиши кузатилмоқда. Катта ёшдаги гуруҳларда стоматологик патология оғиз бўшлиғининг барча аъзолари ва тўқималарига таъсир этади, касаллик оғир кечади, даволаш яхши натижа бермайди (Хасанова Л.Э., 2015). Даволаш учун таклиф этилган усул ва воситаларнинг кўплигига қарамай, даволаш самарадорлиги етарли эмас ва қисқа вақт давом этади, касалликнинг қайтланиши ва ривожланиши кузатилади (Бектимерова О.О., 2016). Дори воситаларини узоқ вақт қўллаш натижасида, айниқса катта ёшдаги беморларда асоратлар ривожланиши мумкин (Штанько М.И., 2013). Ушбу гуруҳдаги беморлардаги стоматологик патологияларни даволаш учун улар пародонт тўқимасининг хусусиятларидан келиб чиқиб янги даволаш усуллари ва дастурларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Демак катта ёшдаги беморларда кенг тарқалган пародонтитни даволаш учун самарадор, хавфсиз антиоксидант дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш долзарб бўлиб қолади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011400199-сонли «Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, пародонт ва тишлар патологиясини янги ташхислаш, даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» мавзуси доирасида бажарилган (2014-2019 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** катта ва кекса ёшдаги беморларда антиоксидант фитовоситасидан фойдаланган ҳолда кенг тарқалган пародонтитни даволаш самарадорлигини ошириш.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги катта ва кекса ёшдаги кишиларда стоматологик патологиялар орасидан кенг тарқалган пародонтитни тарқалиши ва интенсивлигини ўрганиш;

катта ёшдаги гуруҳда ўрта оғирликдаги кенг тарқалган пародонтит билан касалланган беморлар оғиз суяқлигининг физик-кимёвий таркиби, липопероксикация жараёни активлиги кўрсаткичлари динамикасини ўрганиш;

кекса ва қари ёшдаги инсонларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларига стоматологик саломатлик даражасига қараб қиёсий баҳо бериш;

in vivo ва in vitro тадқиқотларида кекса ва қари ёшдаги инсонларда янги пародонфит фитопрепаратини оғиз суяқлиги антиоксидант активлигига таъсири баҳоланади;

кекса ва қари ёшдаги инсонларда кенг тарқалган пародонтитни комплекс даволашга пародонфит қўшилиши натижасида даволаш самарадорлигига комплекс баҳо бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси ССВга қарашли стоматология поликлиникасига мурожат қилган кекса ва қари ёшдаги беморларда стоматологик патологияларни тарқалганлигини аниқлаш учун 337 нафар беморлар танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида кекса ва қари ёшдаги беморларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, оғиз бўшлиғи тўқималари ва аъзоларини биокимёвий тахлил учун оғиз суяқлиги олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотини амалга ошириш ва мақсадга эришиш учун клиник, биокимёвий, функционал, ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

оғиз бўшлиғи аъзолари антиоксидант тизими кўрсаткичларининг бузилиши сабабли катта ва кекса ёшдаги беморларда КПО, СРІТN ва РМА, ПИ кўрсаткичларининг кўтарилиши тасдиқланган;

кенг тарқалган пародонтит мавжуд беморларда стоматологик патологиянинг кўпайиши, оғиз бўшлиғи физик-кимёвий кўрсаткичларининг ёмонлашуви (сўлак ажралиш тезлиги, оғиз суяқлиги қовушқоқлиги ва ишқорнинг буфер ҳажми), минераллаш потенциалининг камайиши (Са, Р) ва оғиз суяқлиги липопероксикация жараёнининг кўпайиши билан бирга кечадди, бу ўз навбатида сўлак безлари ва антиоксидант тизимини стимуллаш кераклигини исботлаган;

оғиз суяқлиги ЛПО (ДК, ТК, ОШ) липопериоксикация маҳсулотларининг камайтирувчи, антиоксидант тизим (СОД, КТ, МДА) активлигини оширишга ёрдам берувчи, антиоксидант активликка эга даволаш усуллариининг перспектив турлари аниқланган;

катта ва кекса ёшдаги беморларда кенг тарқалган сурункали пародонтитни даволашда антиоксидант терапияни қўшиб олиб бориш СРІТN, ПИ, ОНІ-S, РМА индексларининг аниқ ортиши, антиоксидант тизим

кўрсаткичларининг (КТ, СОД, МДА) ортиши, ЛПО маҳсулотларининг (ДК, ТК, ОШ) камайиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

стоматологик ҳолат тўғрисида олинган маълумотлар, стоматологик ҳаёт сифати кўрсаткичларини пасайиши, сўлак безлари функционал активлигининг ва оғиз суюқлиги физик-кимёвий таркибининг бузилиши, оғиз бўшлиғида липопероксикация жараёнининг активлашуви ушбу категориядаги беморлар учун даволаш профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш зарурлигини тасдиқлаган;

катта ва кекса ёшдаги беморларда стоматологик касалликларни комплекс даволашда таклиф этилган даво қўлланиши катта ёшдаги гуруҳ беморларнинг стоматологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатишини исботлади;

таклиф этилган комплекс даволаш услубидан фойдаланиш моддий жиҳатдан кам харажатлилиги, даволаниш муддатини қисқаришига олиб келиши, ҳаёт сифати кўрсаткичларини кўтарилишига сабаб бўлиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** тадқиқотда қўлланилган усуллар ва назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертациянинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган тадқиқот катта ёшдаги беморлар гуруҳларида ёш катталашиб борган сари стоматологик ҳолатни баҳолаш имкониятини берди. Стоматологик ҳолат тўғрисида олинган маълумотлар, стоматологик ҳаёт сифатининг пасайиши сўлак безлари функционал фаоллигининг ва оғиз суюқлиги физик-кимёвий таркибининг бузилиши, оғиз бўшлиғида липопероксикация жараёнининг активлашуви ушбу категориядаги беморлар учун даволаш профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш зарурлигини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, катта ва кекса ёшдаги беморларда стоматологик касалликларни комплекс даволашда янги «Пародонфит» фитовоситасини қўлланиши катта ёшдаги гуруҳ стоматологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатди, стоматологик саломатликнинг субъектив баҳосини яхшилади, сўлак безлари функционал активлигини ошириди, оғиз суюқлиги физик ва биокимёвий таркиби тикланди, оғиз бўшлиғида ЛПО-АОТ жараёнлар активлиги меъёрлашди.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Стоматологик касалликларни комплекс даволашда янги антиоксидант фитовоситасини қўлланиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Катта ва кекса ёшдаги инсонларда оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликарини даволашда антиоксидант фитовоситасининг қўлланиши” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1 апрел 2019 йилдаги 8н-р/112 – сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кекса ёш гуруҳлардаги беморларда стоматологик касалликларни комплекс даволашда «Пародонфит»ни қўллаш даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

“Кекса ёшдагилар ва қарияларда стоматологик касалликлар профилактикаси ва даволаш” услубий тавсияномаси (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1 апрел 2019 йилдаги 8н-р/113 – сонли маълумотномаси) Услубий тавсиянома кекса ва қари ёшдаги беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини комплекс даволаш асосида ҳаёт сифатини яхшилаш, муқобиллаштириш имконини берган;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Тошкент шаҳар 1-стоматология поликлиникаси ва Ўз Рес ССВ га қарашли стоматология поликлиникаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 июн 8н-з/113 – сон маълумотномаси). Татбиқ қилинган натижалар кенг тарқалган пародонтитни даволашда антиоксидантдан фойдаланиш стандарт терапияга нисбатан пародонтнинг клиник ҳолати меъёрга қайтиши (26,46%га) ортишига, оғиз суюқлиги биокимёвий (36,29%га) ва физик-кимёвий кўрсаткичларни (24,58%га) яхшиланишига, ОНП-49-RU индекси бўйича ҳаёт сифатини 33,96% яхшиланишига имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 - илмий-амалий конференцияда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган,

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асослаб берилган, ўз олдига қўйилган мақсад кўрсатиб ўтилган ва вазифалар тавсифлаб берилган, текширув объекти ва предмети кўрсатилган, Ўзбекистонда тадқиқотнинг фан ва технологиянинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий жиҳатдан янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни соғлиқни сақлашнинг амалий соҳасига

тадбиқ этиш натижалари, илмий иш бўйича нашр этилган мақолалар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертатсанинг **“Катта ёшдаги аҳоли гуруҳлари орасида стоматологик патология патогенезининг ўзига хослиги, клиник кечишининг хусусиятлари, даволаш ва олдини олиш”** деб номланган диссертациянинг биринчи бобида, катта ва кекса ёшдаги беморларнинг стоматологик ҳолати, катта ёшдаги аҳоли ўртасида стоматологик патологиянинг ўзига хос ривожланиш механизмлари, шунингдек катта ва кекса ёшдаги беморлардаги стоматологик патологияни даволашда замонавий ёндошув тўғрисидаги маълумотлар келтирилган мамлакатимизда ва ҳорижда чоп этилган адабиётларнинг таҳлили баён қилинган.

Диссертатсанинг **“Тадқиқот усуллари ва материаллари”** мавзусидаги диссертациянинг иккинчи бобида, катта ва кекса ёшдаги инсонларда стоматологик патология мавжудлиги ва унинг тарқалганлик ҳолатини аниқлаш мақсадида 337 нафар кишида олиб борилган текшириш натижалари тақдим этилган. Стоматологик ҳолатни рўйхатга олиш мақсадида ЖССТ томонидан тақдим этилган стандарт асосида оғиз бўшлиғи ҳолатини кўриқдан ўтказиш натижалари қайд этиладиган кўриқ варақасини ишлаб чиқдик ва ундан фойдаландик.

Тишлар кариеси интенсивлиги КПО индекси бўйича аниқланди. Пардонтнинг зарарланиш даражаси ва даволаш чораларини кўришга бўлган талаб ЖССТнинг СРІТN – пародонтал индекси бўйича аниқланди.

ЖССТ таснифига асосан ўрганилаётган беморлар контингентидаги стоматологик патология оғирлик даражасини аниқловчи муҳим патологик механизмларни ўрганиш учун ЎзР ССВ Республика стоматологик поликлиникасига 2014-2017 йй давомида мурожаат қилган маълум ёшдаги шахслар гуруҳи; (35 – 44 ёш) – 42 киши (24 аёл ва 14 эркак); ўрта ёшдаги кишилар – 40 киши (45 – 60 ёш); катта ёшдаги (61 – 74 ёш) – 43 киши (28 аёл ва 15 эркак); қариялар (75 – 89 ёш) – 35 киши (19 аёл ва 16 эркак) ва узоқ умор кўрувчилар (90 ёшдан катта) - 15 киши (10 аёл ва 5 эркак) танлаб олинди. Барча беморлардан тадқиқотда қатнашишга рози эканликлари тўғрисидаги ёзма маълумотнома олинди.

Физик-кимёвий кўрсаткичларни баҳолаш учун сўлак ажралиш тезлиги ҳисобланиб, у мл/дақиқада ифодаланди, сўлак қовушқоқлиги аниқланди (Рединова Т.Л., Поздеев А.Р., 1994); буфер хажм ўрганилди (1л кислота ёки ишқорга нисбатан мэкв) (В.К. Леонтьев, Ю.А. Петрович, 1976). Умумий кальций концентрацияси (Са) гликосаль-бис-оксианилли рангли реакция орқали баҳоланди: фосфор (Р) эса, фосфор-молибден гетеро поликислотанинг тикланиши асосида: (Юнусходжаев Н.Ю., 2000), рН эса 340 модели электрон рН-метр ёрдамида потенциометрик усулда аниқланди.

Стимулланмаган оғиз суяқлиги оксидант активлик параметрлари В.С. Камышникова (2000) услуги орқали аниқланди. ЛПО- ДК, ТК, ОШ охириги махсулотлари, маланов диальдегид концентрацияси тиоарбитур кислотаси ёрдамида аниқланди (Камышников В.С., 2004).

Оксидланишга қарши тизим ферментлари активлиги N. Nishkimi et al. (1972) усули П.Г. Сторожука, А.П. Сторожука (1998) модификацияси бўйича супероксиддисмутаза активлиги аниқланди, Каталаза П.Г. Сторожука и С.П. Корочанской (2001, модификация қилган М.А. Королюка ва хамм. (1988) усулида аниқланди.

Ўрганилаётган препаратларнинг антиоксидант активлиги адреналин аутооксидланишни ингибирлаш фоизларида ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:  $AO\Phi, \% = AO\Phi = (OP1 - OP2) \times 100 / OP1$ , бунда

OP1 – адреналин гидрохлорид эритмасининг оптик зичлиги, натрий-карбонат эритмасининг буферига қўшилган.

«Пародонфит» фитовоситасининг таъсирини катта ва кекса ёшдаги инсонлар оғиз суюқлиги антирадикал ҳимоя ферментлари активлиги ва липидларнинг перикис оксидланиш жараёни интенсивлиги динамикасига таъсирини 60 нафар ўз ихтиёрларига кўра танлаб олинган (60 дан 80 ёшгача бўлган) ва 3 гуруҳга шакллантирилган инсонларда ўрганилди. 35-44 ёшдаги 20 нафар кишининг кўрсаткичлари қиёсловчи намуна сифатида олинди. Қиёсий гуруҳ жинси ва ёши, стоматологик патология сони бўйича танлаб олинди.

Қиёсий 1 гуруҳ 20 кишидан иборат бўлиб, улар оғизларини 1:40 нисбатдаги эритилган, расман тавсия этилган «Ротокан» фитоэритмаси билан чайишди. 2 асосий гуруҳ 20 кишидан иборат бўлиб, улар оғизларини 1:20 нисбатдаги эритилган «Пародонфит» эритмаси ва 3 асосий гуруҳ 20 кишидан иборат бўлиб, улар оғизларини 1:40 нисбатдаги эритилган «Пародонфит» эритмаси билан чайишди.

Катта ва кекса ёшдаги инсонларнинг ҳаёт сифатини ўрганиш учун рус тилидаги, тасдиқланган «Профиль влияния стоматологического здоровья» ОНП – 49 – RU (О.С. Гилева и соавт., 2009) саволномасидан фойдаланилди.

Ушбу ишда 60 нафар 60-89 ёшдаги инсонларни оғиз бўшлиғи касаликларини даволаш натижалари келтирилган. Тасодифий танлаб олиш усули билан беморлар 2 гуруҳга ажратилган.

**Асосий гуруҳ** 30 нафар бемордан иборат бўлиб, уларда «Пародонтофит» фитопрепаратидан фойдаланган холда оғиз бўшлиғининг тўлиқ санацияси амалга оширилди.

**Қиёсий гуруҳдаги** беморлар 30 кишидан ташкил топган бўлиб улар «Ротокан» билан фойдаланган холда тўлиқ санация ўтган беморлар

Беморларни клиник текширув оғиз бўшлиғи ҳолатини соддалаштирилган ОНІ-S, Green J., Vermillion J. (1969) индекси ёрдамида амалга оширилди; милкнинг турли соҳаларидаги яллиғланишнинг намоён бўлиши ПМА, Parma G., (1960) индекси ёрдамида; милк бугрилигининг қон кетиш интенсивлиги РВІ, Saxer U. P., Muchlemann M. K. (1975) модификацияланган индекси орқали; пародонт тўқималарининг яллиғланиш-деструктив ўзгаришлари ПИ, Russel A. (1956) бўйича; тишларнинг қимирлаш даражаси Fleszar T. J. (1980) усули бўйича ўрганилди. Пародонтал чўнтаклар чуқурлиги градуирланган зонд ёрдамида аниқланди.

Асосий гуруҳда пародонтитни даволаш учун пародонтал чўнтаклар соҳасига химоя-махкамловчи боғламлар остидан Пародонтофит даволаш композициясига ( гел ҳосил қилувчи + гидроксицеллюлоза+ сув+ 5,0%; 1-5% ва 100,0млгача бўлган Пародонфит ) намланган турундалар қўйилди. Оғиз бўшлиғини чайиш учун 5,0%ли (1чой қошиқ пародонтофит ва 1 стакан сув) Пародонфит эритмасидан тишларни тозалашдан сўнг кун давомида 2-3 марда 30 секунд давомида фойдаланилди.

Қиёсий гуруҳда пародонтитни даволаш ва оғиз бўшлиғини чайиш учун «Ротокан» препаратидан фойдаланилди.

Статистик таҳлил учун «Microsoft Excel» дастурини қўллаган ҳолда персонал компьютердан фойдаланилди. Фарқларнинг аниқлиги Стьюдентнинг  $t$  – меъзони асосида ўрганилди.

Диссертатсанинг **“Катта ёшдаги гуруҳларда стоматологик патология ривожланишининг патогенетик механизмлари, клиник намоён бўлиш хусусиятлари ва тарқалиши, даволаш чораларини такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобида ўрта ёшдаги 337 кишини стоматологик ҳолатини баҳолаш амалга оширилди, улардан (45 – 60 ёш) - 100 киши; кексалар (61 -75 ёш) – 80 киши; қариялар (76 – 89 ёш) – 40 киши, узоқ умр кўрувчилар ( 90 йилдан ортиқ) – 15 киши ва индекс ёш гуруҳида (35 – 44 ёш) – 102 киши ЖССТ томонидан тақдим этилган стандарт асосида оғиз бўшлиғи ҳолатини кўриқдан ўтказиш натижалари қайд этавчи кўриқ варақасидан фойдаланилган ҳолда текширилувчилар ёши ортиб боргани сари стоматологик касалликлар интенсивлиги ва тарқалиши ортиб борганлиги аниқланди.

Пародонт касалликларининг тарқалиши (K05 - Гингивит ва пародонт касалликлари МКБ-10 бўйича) индекс ёш гуруҳида (35 – 44 ёш) 56,00% ташкил этди ва текширилувчилар ёши катталашиб боргани сайин прогрессив равишда кўтарилиб 45 – 59 ёшда 70,1%ни янада ёши каттароқ гуруҳларда деярли барча текширилувчиларда 100% аниқланди.

Бунда CPITN таркибида пародонтал чўнтакли секстанталар ва чиқариб юборилган секстанталар прогрессив равишда кўп бўлалди. Текширилган барча гуруҳларда кариес (K02 тишлар кариеси) тарқалиши 100%ни ташкил этди. 60 – 74 ёшдаги гуруҳда КПО индекси  $18,83 \pm 0,92$ ; 74 -89 –  $24,51 \pm 1,22$  ва 90 ёшдан катталарда –  $29,83 \pm 1,35$ .

Ёш катталашиб боргани сайин кўпроқ лаб, тил ва оғиш бўшлиғи шиллик қавати касалликлари ташхисланди. Метарологик хейлит индекс ёш (35 – 44 ёш) гуруҳида 0,0% ташкил этди; ўрта ёшда (45-59ёш) - 3,0%; катталарда (60 - 74 ) –8,75% ; кексаларда (75 – 89 лет) – 15,00% ва кўп умр кўрувчиларда (90 йилдан ортиқ) – 6,67%; соотвествующая динамика эксфолиатив хейлитнинг ўсиш кўрсаткичи - 0,98%; 3,0%; 17,5%; 32,5% ва 20,0%; оғиз бурчакларидаги бичилишлар – 1,96%; 3,00%; 13,75%; 25,00% ва 20,00%; лабнинг герпетик зараланиши - 0,98; 4,004%; 10,00%; 15,00% ва 6,67%.

Оғиз бўшлиғи ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати кўздан кечилилганда ялтироқлик йўқолганлиги, оғиз бўшлиғи шиллик қавати юпқалашганлиги ва рангпарлиги аниқланди. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати юзасининг атрофик

белгилар билан ўзгариши текширувчилар ёши ортган сари кўпайиб борди. Шунда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ялтироқлигининг камайиши ўрта ёшдагиларнинг 3,00% кузатилса, кўп йил яшовчиларда 66,67%ни, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати юпқалашганлиги ва рангпарлиги 0,98% ва 60,00% ташкил этди.

Бир вақтнинг ўзида тил касалликлари тарқалиши ортди, кўпроқ глоссит рўйхатга олинди, тил асосида фиссура ва бўлақлар аниқланди, “географик тил”, сўрғичлар гипертрофияси ёки атрофияси аниқланди, глоссолгия, тил ён томонларида тил қуруқ ва тишлар излари бор, бурмали тил кабилар кузатилди. Бир вақтнинг ўзида тил зарарланишининг икки ва ундан ортик турлари аниқланди. Умумий олганда тил касалликлари индекс гуруҳида (35 – 44 ёшда) 3,0%; ўрта ёшдалиларнинг (45 – 60 ёш) –10,0%да; кексаларда (60 - 74) –30,50%; қарияларда (75 – 89 лет) – 44,50% ва узоқ умр кўрувчиларда (90 ёшдан ортик) – 60,00%.

Текширув натижалари таҳлили оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари: афтоз ва герпетик стоматитлар (K12.0 Оғиз бўшлиғининг қайталанувчи афталари, B00.2 Герпетик гингивостоматит), баъзи холларда–лейкоплакия ва қизил ясси бўрича (K13.2 Лейкоплакия ва оғиз бўшлиғи эпителийсининг бошқа ўзгаришлари, L43.9 ниқланмаган қизил ясси бўрича), протез таъсиридаги стоматит, ҳамда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати лейкоплакияси кўпайганлигини кўрсатди.

Протез таъсирида юзага келувчи стоматит индекс ёш гуруҳида аниқланмади, ўрта ёшдаги гуруҳда унинг тарқалиши 3,0%; кексаларда - 13,75%; қарияларда – 52,90%; ва узоқ умр кўрувчиларда – 60,00% кўриқдан ўтказилганлардан протез стоматитни даволашга муҳтожликлари аниқланди; шунга мос равишда афтоз стоматит учраш частотаси 1,96%; 5,00%; 11,25%; 23,00% ва 20,00%; кандидоз -2,94%; 5,00%; 11,25%; 27,50% ва 26,67%; герпетик стоматитда эса - 0,98%; 4,00%; 8,75% 32,50% ва 20,00%; қизил ясси темирятка– 0,98%; 2,00%; 6,75%; 17,50% ва 6,67% ташкил этди.

Олинган маълумотлар ўрганилаётган гуруҳнинг стоматологик профилактикага ва генераллашган пародонтитни даволашга муҳтожлигини баҳолашга имкон берди.

Пародонт касалликларининг кўп қирралиги, оғирлиги ва кенг тарқалганлиги катта ва қари ёшдаги инсонлар учун махсус мослаштирилган даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарурлигини талаб этади.

Шунингдек оғиз бўшлиғи мослашувчанлик потенциалининг камайиши ва оғиз суюқлигининг реминералловчи патогенетик механизмларини ўрганиш кераклиги асослаб берилди.

Ҳар қандай жамиятнинг асосий вазибаларидан бири, махсус стоматологик ёрдам кўрсатиш даражасини аниқлаш орқали инсонлар ҳаёти сифатини яхшилашдан иборат


Шу муносабат билан қиёсий йўналишда беморлар ҳаёти сифати кўрсаткичлари стоматологик саломатлик кўрсаткичини намоён қилувчи ОНП-49-RU индекси орқали аниқланди.

Тадқиқотлар инсонлар ёши ортиб борган сайин ҳаёт сифати даражасининг аҳамиятли пасайишини аниқлади. 45 – 59 ёшдаги гуруҳда ҳаёт сифатининг  $\Sigma$ ОНIP-49-RU интеграл индекси 33,3 баллга; 60 – 74 ёшда – 67,49 баллга; 75 – 89 ёшда – 107,3 баллга ва 90 ёшдан ортган гуруҳда 90 – 128,3 баллга тенг бўлди. Шундай қилиб, стоматологик кўрсаткичлар бўйича ҳаёт сифати даражаси 60 – 74 ёшда 45 -59 ёшдагига нисбатан 2,0 маротаба; 75 – 89 - ёшда 3,15 маротаба; ва 90 дан ортиқ ёшда - 3,63 маротаба пасайганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқотлар гуруҳида ОНIP-49-RU бўйича ҳаёт сифати индексининг пасайиши фаолиятни чегараланиши, руҳий ва физик ўзгаришларга сабаб бўлади. Тадқиқотлар гуруҳида ҳаёт сифатини "Руҳий дискомфорт" шкаласи бўйича пасайиши ўрганилаётган ёшлар гуруҳларида ўртача ёш(45 – 59 ёш) гуруҳига нисбатан 56,76%; 248,65% ва 282,43% кўрсаткичларга эга бўлди.

Амалий стоматологларда организм қариши ва тиш-жағ тизими дезадаптацияси ўртасида боғлиқлик мавжудлиги шубҳа туғдирмайди. Жуда кўп тадқиқотлар организм ҳаёт фаолиятида муҳим бўлган оғиз бўшлиғидаги ўзгаришларни геронтостоматология томонидан ўрганишга бағишланган.


Тадқиқотлар шуни кўсатдики, ёш катталашган сари қовушқоқлик ва саливациянинг камайиши, кислота ва ишқорларни нейтралловчи рН ва буфер ҳажмининг ўзгариши билан характерланувчи оғиз суюқлигининг физик ва кимёвий хоссалари ўзгариб боради. Оғиз суюқлигида умумий калций, ноорганик фосфор миқдорининг ортиши унинг минераллаш потенциали пасайишини намоён қилади. Гипосаливацияда аралаш сўлак ўзининг гомеостатик хусусиятларини йўқотди (1-расм).



1-расм. Кекса ва қарияларда оғиз суюқлиги физик-кимёвий кўрсаткичларини (индекс ёш гуруҳида %) динамикада ўзгариши.

Кекса ва қарияларда кенг тарқалган пародонтитни даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида, шифокор - стоматолог оғиз бўшлиғи гигиенасини яхшилаш учун сўлак безлари функционал активлигини оширувчи дори воситаларини тавсия этиши зарур.

Оғиз суюқлигининг биокимёвий текшириш натижалари ёшнинг ортиб бориши билан биомолекулаларнинг эркин радикал активланиши прооксидант-антиоксидант мувозанат прооксидант томонга ўзгаради, АОТ ва каталаза активлигининг компенсатор ортиши уларни пародонт касалликларида аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Стоматологик патология тарқалиши динамикасини ва катта ёшдаги беморларда ёш ортиб борган сари стоматологик патология оғирлик даражасининг ортиб бориши, ҳаёт сифати даражасини стоматологик томондан баҳолаш ва оғиз бўшлиғидаги деструктив жараёнларни универсал патогенетик механизмларини комплекс ўрганиш сўлак ажралишини стимулловчи ва патологик жараёнлар натижасида юзага келувчи прооксидант-антиоксидант тизимда ўзгаришларни бартараф этувчи янги дори воситаларини топиш ва уларни қўллашни ўрганиш кераклигини кўрсатди (2-расм).



**2-расм. Кекса ва қарияларда оғиз суюқлиги липидларини перикис оксидланиш маҳсулотлари ва антиоксидант ферментлари.**

Шу муносабат билан минимал ножўя таъсирга эга ўсимлик антиоксидантларидан фойдаланишга кўрсатмалар берилди. (2-расим). Мамлакатимиз ва хорижий илмий ишлар натижаларида кенг тарқалган пародонтити даволашда ўсимлик антиоксидант препаратларидан комплекс даволаш тадбирларида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги баён қилинган, шунинг учун ўсимлик хом ашёсидан олинган дори воситаларини кўпайтириш ва уларни стандартлаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Улардан бири, таркибига мойчечак гуллари, маврак япроқлари, тирнокгул гуллари, далачой ўсимликларининг 1:1:1:1 нисбатдаги «Пародонфит» экстрактидир.

«Пародонфит» фитопрепаратининг антиоксидант хусусиятлари 1:10; 1:20 ва 1:40 нисбатда суюлтирилган холда ўсимлик хом ашёсининг адреналинни аутооксидланишини ингибирлаш ва шу йўл билан кислороднинг фаол турлари ҳосил бўлишини олдини олиш хусусияти *in vitro* усулида экспериментал тарзда ўрганилди.

«Пародонфит» фитопрепаратининг хусусиятларини ўрганишга сабаб уни антиоксидант активлигини клиник текшириш ва келгусида клиник амалиётга тадбиқ этиш мақсадидир.

«Пародонфит» фитопрепаратининг кекса ва қарияларда липидларни перикис оксидланиш жараёни интенсивлиги динамикасига оғиз суяклиги антирадикал химоя ферментлари активлигига таъсирини ўз ихтиёрлари билан рози бўлган 60 нафар (60 ёшдан 86 ёшгача бўлган) 3 гуруҳга бўлинган кишиларда ўрганилди. Қиёсий гуруҳ жинси ва ёши бўйича стоматологик патология частотасига қараб шакллантирилди.

Қиёсий 1 гуруҳ 20 кишидан иборат бўлиб, улар оғиз бўшлиқларини расман тавсия этилган 1:40 нисбатдаги аралашма, «Ротокан» фитоэритмаси билан чайишди. 2 асосий гуруҳ 20 кишидан иборат бўлиб, улар оғизларини 1:20 нисбатдаги эритилган, «Пародонфит» эритмаси ва 3 асосий гуруҳ 20 кишидан иборат бўлиб, улар оғизларини 1:40 нисбатдаги эритилган, «Пародонфит» эритмаси ва билан чайишди.

*in vivo* изланишларида «Пародонфит» дори воситасининг катта ёшдаги инсонлар ва қарияларда юқори самарадорлиги исботланди, оғиз суяклиги юқори антиоксидант активлик даражаси ва ЛПО махсулотлари концентрациясининг камайиши; 1:20 эритилган дори концентрацияси таъсирининг самарадорлиги стандарт терапияга нисбатан – 44,61%дан юқори бўлди, 1:40 – эса – 36,17% дан юқори бўлганлиги аниқланди. Пародонфитнинг юқори антиоксидант активлик даражаси ва узоқ вақт таъсир этиши уни стоматологик амалиётда узоқ вақт қўлланилишидан далолат беради.

60-89 ёшдаги 60 нафар беморда кенг тарқалган пародонтитни даволаш самарадорлиги ўрганилди. Бунда тасодикий танланган беморлар 2 гуруҳга бўлинди.

1 қиёсий гуруҳдаги 30 нафар кенг тарқалган пародонтит билан касалланган беморларни оғиз бўшлиғи санацияси ва даволаш «Ротокан» фитоэритмаси ёрдамида амалга оширилди.

2 қиёсий гуруҳдаги 30 нафар кенг тарқалган пародонтит билан касалланган беморларни оғиз бўшлиғи санацияси ва даволаш «Пародонтофит» фитоэритмаси ёрдамида амалга оширилди.

Беморларнинг ёши, жинси ва стоматологик касалликлар нисбати икки гуруҳда ҳам бир хил.

Даволаш жараёнида милкдаги яллиғланишнинг асосий клиник белгилари камайди, яллиғланиш жараёни даволанди, пародонтал

чўнтаклардан ажралаётган сероз-йирингли ажралмалар миқдори камайди, қон кетиши ва тишларнинг кимирлаши камайди. Кўздан кечирилганда милк шиллик қавати анча оқарди, оч-пушти ранг кирди, тиш милк сўрғичлари юмшоқлиги йўқолди, уларнинг конфигурацияси тикланди ва улар тишлар бўйнидан маҳкам ўраб олдилар. Пародонт ҳолати ўрганилган барча клиник белгилардан энг юқори ижобий самарадорлик 1 асосий гуруҳда ( $P \leq 0,05$ ) аниқланди. Пародонт клиник ҳолатини қайта тиклаш бўйича даволашнинг ўртача самарадорлик кўрсаткичи 1 асосий гуруҳда 2 гуруҳга нисбатан 26,46% юқори бўлди.

Диссертатсанинг **“Кенг тарқалган пародонтитни даволашнинг клиник самардорлигини қиёсий баҳолаш”** номили тўртинчи бобда катта ёшдаги инсонлар гуруҳларида кенг тарқалган пародонтитни комплекс даволашнинг қиёсий натижалари берилган.

Кенг тарқалган пародонтитни даволаш ҳаёт сифати даражасини аҳамиятли даражада кўтариши аниқланган бўлиб, бу комплекс даволашдан сўнг жисмоний ва руҳий ҳолатини ўрганиш саволомаси натижаларидан ҳам билиш мумкин.

Кекса ва қари ёшдаги инсонларни Пародонфит билан комплекс даволашда ҳаёт сифати жиҳатларини тикланишининг ўртача самардорлиги стандарт даволаш чораларини кўрилгага нисбатан 33,96% га юқори бўлди (3-расм).




**3-расм. ОНП-49-RU индекси бўйича (% ларда) даволаш самардорлигини қиёсий баҳолаш**

Ўтказилган терапия таъсирида иккала гуруҳда оғиз суяқлиги кўрсаткичлари меъерга қайтиш тенденцияси кузатилди: саливация тезлиги ортди ва оғиз суяқлиги қовушқоқлиги камайди, рН ва буфер ҳажм ортди, саливация тезлиги ортгани ва оғиз суяқлиги қовушқоқлиги камайгани

ҳисобига минералловчи компонентлар кальций ва фосфор концентрацияси камайди. Ўрганилаётган оғиз суюқлиги компонентларининг энг ёрқин динамикаси 2 асосий гуруҳдаги беморларда кузатилди (Пародонфитдан фойдаланган).

Оғиз суюқлиги физик-кимёвий кўрсаткичларининг меъёрга қайтишининг ўртача миқдорий самарадорлиги 2 гуруҳда қиёсий гуруҳга нисбатан  $\geq 24,58\%$  юқори бўлди.

Клиник изланишлар даврида ЛПО маҳсулотлари концентрациясининг камайиши ва АОТ ферментлари активлигининг пасайиши ва бу орқали Пародонфитдан фойдаланиш самарадорлиги (2 асосий гуруҳ) қиёсий гуруҳга нисбатан 36,29% юқори бўлди (4-расм).



**4-расм. ЛПО жараёни даражаси ва АОТ ферментлар активлиги асосида даволаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш (%да)**

Кекса ёшдаги инсонлар ва қарияларда кенг тарқалган пародонтитни даволашнинг қийинлигига сабаб оғиз бўшлиғи барча тўқималарининг зарарланиши билан кечувчи маҳаллий патологик жараёнларнинг кўплиги ва оғирлиги, сурункали патологияни узок вақт давом этишидир. Бунда даволаш самарадорлиги пародонт тўқималарининг юқори сезувчанлигига боғлиқ.

Клиник тадқиқотлар натижалари Пародонфит билан биргаликда олиб борилган комплекс даволаш самарадор эканлигини, ножўя таъсирларнинг мавжуд эмаслиги шунингдек оғиз суюқлиги биокимёвий ва физик-кимёвий кўрсаткичларини самарали равишда меъёрлашикенг тарқалган пародонтит оғирлик даражаси ва тарқалишини камайтириши ва шу йўл билан ҳёт сифати даражасини ортишини исботлади.

## ХУЛОСА

1. Кекса ва қари ёшдаги инсонлар пародонт касалликлари, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари ва тиш қаттиқ тўқималари касалликларини ўз ичига олган стоматологик касалликларда 100% ҳолатда комплекс даволашга мухтождирлар;

2. Кенг тарқалган пародонтитнинг оғирлиги ва стоматологик патологиянинг ортиши минераллаш потенциалининг пасайиши ва оғиз суюқлиги липопероксикация жараёнининг ортиши билан уйғунлашган ҳолда кечади;

3. Стоматологик ҳаёт сифатининг интеграл кўрсаткичлар индекси ΣОПР-49-RU катта ёшдаги гуруҳларда стоматологик саломатлик ҳолати клиник жиҳатдан анча оғирлигини кўрсатди, 60 – 74 ёшдаги гуруҳда индекснинг интеграл аҳамияти 67,49 баллга; 75 – 89 ёшда –107,3 баллга ва 90 ёшдан ортганларда 90 – 128,3 баллга, 45 – 59 ёшдаги гуруҳда эса 33,3 баллга тенглигини кўрсатди;

4. *in vivo* ва *in vitro* тадқиқотларида Пародонфит воситасининг оғиз суюқлиги антиоксидант активлигини ошириши ва ЛПО маҳсулотлари концентрациясини камайтириши: 1:20 концентрациянинг самарадорлиги стандарт терапияга нисбатан – (44,61%) юқори; 1:40 концентрация – (36,17% дан) юқори натижа берди. Пародонфитнинг юқори антиоксидант активлиги ва узок вақт таъсир этиши уни стоматологик амалиётда яна узок вақт давомида қўлланишидан далолат беради;

5. Кенг тарқалган пародонтитни даволашда Пародонфитдан фойдаланиш стандарт терапияга нисбатан пародонтитнинг клиник ҳолатини меъёрга қайтиши (26,46% га) ортишига, оғиз суюқлиги биокимёвий (36,29% га) ва физик-кимёвий кўрсаткичларни (24,58% га) яхшиланишига, ОПР-49-RU индекси бўйича стоматологик саломатликни 33,96 % яхшиланишига сабаб бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 28.12.2017. Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**АСАДУЛЛАЕВ НУРУЛЛОХОН САГДУЛЛАЕВИЧ**

**АСПЕКТЫ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ ЛИЦАМ  
ПОЖИЛОГО И СТАРЧЕСКОГО ВОЗРАСТА, ПРОЖИВАЮЩИХ В  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**14.00.21- Стоматология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/Tib574**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tsdі.uz](http://www.tsdі.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель:**

**Ризаев Жасур Алимжанович**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:**

**Аветиков Давид Соломонович**  
доктор медицинских наук, профессор  
(Украина)

**Дўсмухамедов Махмуд Закирович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Центральный госпиталь Токай (Япония)**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.28.12. 2017.Tib.59.01 при Ташкентском Государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел./факс: (99871) 230-20-65; факс: (99871) 230-47-99; e-mail: [tsdi2016@mail.ru](mailto:tsdi2016@mail.ru))

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского Государственного стоматологического института (зарегистрирован за № \_\_\_\_\_) (Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103 (Тел:(99871)-230-20-65).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Х.М. Камилов**

Заместитель председателя научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Л.Э. Хасанова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

**Х.П. Камилов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность исследований.** Всемирная организация здравоохранения определила цели стоматологического здоровья: «...среди пожилых людей не должно быть более 10% беззубых; 75% должны иметь 20 и более зубов, причем не должно быть более 0,5 секстанта с глубокими пародонтальными карманами».<sup>1</sup> Но исследования показали, что как в странах СНГ, так и за рубежом стоматологическое здоровье пожилого населения характеризуется невысоким уровнем, основные показатели которого далеки от этих задач. Нуждаются в лечении заболеваний пародонта 95–100 % пожилых людей, хотя бы частично сохранивших собственные зубы. Тяжелую деструкцию тканей пародонта имеют около 15 % лиц данного контингента. Сухость во рту становится все более распространенной (20-57%) среди пожилых людей из-за многих препаратов и из-за самого по себе старения. Несмотря на 100% мотивацию пациентов с ранее диагностированным пародонтитом в отношении гигиены полости рта, регулярное лечение и проведение профилактических мероприятий, приверженность к лечению и профилактике сформирована только у 50% обследованных. Стоматологические заболевания этого контингента населения требуют разработки новых лечебных методов и программ, адаптированных к особенностям заболеваний тканей пародонта у пациентов старших возрастных групп.

Во всем мире, как отмечает Международная организация HelpAge International (UK, 2015), в XXI веке наблюдаются глобальные демографические перемены, связанные с увеличением продолжительности жизни, и старение населения занимает в них центральное место, поскольку число пожилых людей и старше (60 лет и более) к 2030 году увеличится до 1,4 миллиарда (16,5 %), а к 2050 году увеличится до 2,1 млрд. человек (21,5 % населения мира) против нынешних 809 миллионов (11%).<sup>2</sup> С возрастом регистрируется увеличение частоты и тяжести соматической патологии, снижение адаптационных ресурсов организма, что неизбежно сказывается на состоянии органов полости рта. Патогенетической основой заболеваний у лиц пожилого и старческого возраста являются нарушения анатомических, физиологических, гуморальных процессов организма, приводящих к тканевой гипоксии, нарушениям микробиоценоза, микроциркуляции и дисбалансу многих гомеостатических систем организма.

В нашей стране осуществляются целевые мероприятия по реформированию системы здравоохранения, обеспечению населения новой и качественной медицинской помощью. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы по пяти приоритетным направлениям определено «...совершенствование сферы здравоохранения, направленное на повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населения, формирование здорового

---

<sup>1</sup> World Health Organization. World Oral Health Report 2003. Published 2003. Accessed 15 February, 2018

<sup>2</sup> Global AgeWatch Index, 2015

образа жизни среди населения, укрепление материально-технической базы медицинских учреждений...»<sup>3</sup>. В то же время, в системе здравоохранения существует ряд проблем. Важное значение среди них имеет недостаточная разработка методов коррекции стоматологической патологии у пациентов старших возрастных групп, что должно повысить качество их жизни. В этом же документе определено «...дальнейшее развитие фармацевтической промышленности и улучшение обеспеченности населения и медицинских учреждений доступными, качественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения», направленные на улучшение медицинских услуг, предоставляемых населению».

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит задачам, предусмотренных Постановлением Президента ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», протоколом Кабинета Министров Республики Узбекистан №32 от 20 апреля 2015 года «О мерах по развитию производства лекарственных средств и биологически активных добавок на основе лекарственных растений на местных предприятиях», в Постановлении Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственной поддержки престарелых и инвалидов» № ПП-2705 от 28 декабря 2016 г., в котором говорится, что необходимо «...повышение уровня и качества медико-социальной помощи пожилым людям, инвалидам и одиноким престарелым, путем организации их лечения, системного оздоровления, расширения профилактических мероприятий...», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

